

Олий суд раисининг ўринбосари томонидан, (14 йилга озодликдан махрум этилган вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжонга нисбатан чиқарилган суд ҳукмига), -нисбатан киритилган протест асосида, 2014 йилнинг 13 ноябр куни соат 10-00га, Олий судда очик суд мажлиси тайинланган эди.

Ушбу жиноят иши юзасидан ҳимоячи-қонуний вакил бўлиб қатнашиб келаётган Баҳром Абдурахимов, мазкур жиноят иши Қашқадарё суд-ҳуқуқ тизими қорчалонлари томонидан қасддан қалбакилаштирилганлигини аниқ далиллар билан исботлаб берган.



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИ ОЧИҚ СУДГА ХОЛИС КУЗАТУВЧИЛАРНИ КИРИТМАДИ

Баҳром Абдурахимов ва АЛЪЯНС ҳуқуқ ҳимоячилари Саёра Ҳақимова, Елена Урлаева, Жаҳонгир Шосалимов, Шухрат Рустамов, Абдуразоқ Содиқов, Аликул Саримсоқовлар, айтилган вақт, соат 10-00га Олий суд қабулхонасига келишиб, Олий суд қабулхонасида руйхатдан ўтдилар. Аммо шу захотиёқ, Олий суд қабулхонасида ғалағовур бошланиб кетди ва суд соат 15-00га тайинланганлигини рукач қила бошлашдилар. АЛЪЯНС ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Урлаева қабулхона мулозими Бахтиёр акадан, суд соат 15-00 қолдирилиши сабабини сўраганида, мулозим Бахтиёр ака, хонада Баҳром Абдурахимов йўқлигидан фойдаланиб, «суд соат 15-00га тайинланган эди, сизларни Баҳром Абдурахимов алдаб олиб келиб сарсон-овора қилибди» -дея иғво уруғини сочишга ҳаракат қилиб кўрди, аммо Баҳром Абдурахимов қабулхонага кириб, «суд котиби, менга суд соат 10-00га тайинланган, вақтини ўзгартириб бўлмади деган эди ва телефон мулоқоти ёзилган» -деб исботлаб берганидан сўнгра, мулозим мум тишлаб қолди.

Шу куни соат 15-00 да, Олий суд хошишига зид ўлароқ, яна ҳам Баҳром Абдурахимов яқин қариндошлари ва АЛЪЯНС ҳуқуқ ҳимоячилари билан бирга Олий суд қабулхонаси ҳузурида ҳозир бўлдилар ва шунинг туфайли Олий суд судни бошлашни икки соатга пайсалга солди.

Баҳром Абдурахимов ва унинг кузатувчилари тинмай суд бошланишини талаб қилаверганидан сўнгра, суд котиби Б.Султонов чиқиб, «суд ёпиқ усулда

ўтказилади ва судга фақат ва фақат Баҳром Абдурахимов киритилади, бошқа ҳеч ким кирмайди» -деб эълон қилди.

Баҳром Абдурахимов унинг қариндошлари и холис кузатувчи ҳуқуқ ҳимоячилари, «Олий суднома сабабдан, судни ёпиқ ўтказмоқчи, ахир бу Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунини нормасига зид ҳаракат-ку, агарда Олий суд, судни ёпиқ ўтказмоқчи экан, марҳамат ушбу ҳақда қонун нормалари асосида асослантирилган ажрим чиқарсин» -дея талабни қўйганида, суд котиби Б.Султонов бирор-бир асос топа олмасдан, «буни мен билмайман суд раиси билади» -деган ваз билан Олий суд биноси ичкарасига икки соатга кириб кетди.

Қунни совуғида, эрталаб соат 08-30дан буён Олий суд олдида совуқда жунжикиб ўтиришган Баҳром Абдурахимов ва унинг яқин қариндош ва холис кузатувчилари, соат 18-ларга келишиб чидай олмасдан, суд бошланишини ёки бўлмаса ёпиқ суд ўтказилишини асослаб берилишини Олий суддан талаб қила бошладилар.

Баҳром Абдурахимов ва холис кузатувчиларга, ҳеч қандай совуқ ёки иғво ёхуд баҳоналар таъсир этмаслигини тушунди шекилли, соат 18-00да суд котиби Б.Султонов чиқиб суд қолдирилганлигини эълон қилди.

Бунинг сабаби сўралганида, суд котиби Б.Султонов Баҳром Абдурахимовга юзланиб: «Ўғлингизни Поп туман суди уйга чиқариб юборган экан-ку, буни биз билмас эдик, мана шу ҳолатни суд яхшилаб ўрганиб чиққанидан кейин суд бошланади» -деди.

Баҳром Абдурахимов; «ЖИБ ПОП туман суди, вояга етмаган Бахриддинжон Абдурахимовнинг ишини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 548-моддаси тартибида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 90-моддасида назарда тутилган имтиёзлар асосида, жазо турини енгилроғига алмаштирган ва бу ҳақда олти ойдан буён, Олий судга, Президент Девонидан, Халқ сўзи, Инсон ва қонун, Ўзбекистон овози газеталаридан қўплаб хат ва шикоятлар келган, қандай қилиб билмасликларинг мумкин, қолаверса жазо турини енгилроғига алмаштириш билан бугунги кўриладиган ишнинг ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ-ку» -деб котибдан сўраганида, котиб билмадим ака деб жавоб берди.

Шунда, Баҳром Абдурахимов, демак сизлар; «ўғлингизни уйдан қайтариб яна қамоққа тикиб қўйиш қўлимиздан келади» -демоқчисизлар, шу йўл билан мени кўрkitиб адолат қурашидан тухтатмоқчисизлар» -деган гапига, суд котиби бирор сўз айтмасдан, орқага бурилиб орқасига қарамасдан кетди ва Олий суд ичкарасига издан йўқолди.

Баҳром Абдурахимов ва Альянс ҳуқуқ ҳимоячилари, Олий суд ҳам ҳақиқат ошкор бўлишидан чўчишмоқдалар ва шунинг учун ҳам холис кузатувчиларни ва ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳар қандай йўл ва усул билан бўлсада судга киришларига ва ҳақиқат ошкор бўлишидан кўрқаяпти

*Альянса матбуот маркази.
2014 йил 17 ноябрь. Тошкент
Ўзбекистон.*



ЎХХ фаоли Фахриддин Тиллаев қамоқда қийноққа солинган

Жорий йилнинг 6 март куни чиқарилган суд ҳукми билан 10 йилу 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган «Эрк» партияси аъзоси Фахриддин Тиллаевга нисбатан ҳибрсада шафқатсиз қийноқлар қўлланилган. Бу ҳақда шу йилнинг 13 ноябрь куни Қарши шаҳрига яқин бўлган №49 сонли колонияда сиёсий маҳкум Фахриддин Тиллаев билан учрашган опаси Дилором Тиллаева маълум қилди.

Дилором Тиллаевнинг сўзларига кўра илгари 95 кило бўлган укаси Фахриддин Тиллаевнинг вазни ҳозирда 58-60

килога тушиб қолган. “Умуман қайғуга тушиб қолдим укамнинг ахволини кўриб. [Қамалганидан кейин] ҳечам кўрмаган эдим-да. У жуда ўзига қараган, тўла одам эди. Ҳозир эса — озгандан кейин одамнинг терилари шалвираб қолади-ку ажинлар тушиб — шунақа бўлиб

қолганда худди қарилардай”, — дейди Дилором Тиллаева.

Дилором Тиллаева Озодлик радиоси билан суҳбатда укаси Тоштурмада ўтирган пайтда тинимсиз қийноққа тутилгани, соғлиғини йўқотишига ўша қийноқлар сабаб бўлганини гапириб берган.

“Етти ой Тоштурмада ётган. “Етти ой мен подвалда ётдим, қуёшни кўрганим йўқ”, деди. Кейин: “Мени урарди”, деди. Иккинчи судига олиб келишмаганди укамни. Биз сўраганимизда: “Ўзи бош тортди”, дейишганди. Кейин мен

шуни сўрадим укамдан. “Сен ўзинг бош тортган эдингми?” десам, “Йўқ, опа, мен бош тортганим йўқ, ҳеч қандай нарушение қилмаган бўлсам ҳам, нарушение деб, ўзлари мени олиб боришмади”, деди. “Мени яланғоч ҳолда қилиб, оёғим зах ерда ўн беш кун подвалда турдим”, деди. “Устимдан совуқ сув сепишди”, деди. Апрель ойи қандай совуқ бўлади?.. Кейин: “Бармоқларимга игна тикиб олди”, деди, — дейди Дилором опа укаси Шайхалига келганидан кейин калтаклашлар барҳам топганини қўшимча қиларкан.

Қаршидаги колонияга ўтказилганидан кейин соғлиғидан шикоят қилган Фахриддин Тиллаев шифокорлар кўригидан ўтказилган. Унга бош мия жароҳатланиши, невротик синдром ва бошқа ташхислар қўйилган ҳамда уни шифохонага юбориш ҳақида тавсия берилган. Бироқ қамоқхона маъмурияти яна “тартиббузарлик” баҳонасида уни маҳбуслар шифохонасига юбормаган. Фахриддин Тиллаевнинг яқинлари тез кунда унинг касалхонага юборилиб, керакли муолажалар олишига, туҳмат билан қамалган жигарларининг тез орада озодликка чиқишига умид қилмоқдалар.

ЎХХ ахборот бўлими

Сурияда жангарилик қилиб юрган ўзбеклардан бири ўз ваъзиди ватаний мақсади йўқлигини писанда қилди.

Салафийлар глобализми нуқтаи назаридан қаралса ватан тушунчаси йўқ бир нарса. Шу боис бугун ватанпарварлик ҳақида ёзгим келди. Сталин чизиб берган ҳарита ичини ватан дея улуғлаш орзуим йўқ. Турфондан бошланиб ёйиқ дарёсигача ястанган ерлар менинг ватанимдир. Кекса Ҳеродот қадим деб атаган Хоразм менинг туғилган юртимдир. Тажан, Исмоут қирлари Пирнавоҳ ва Гандимиён боғлари менинг Фирдавсул иқболимдир.

Ватанпарварлик ўрнагини менга ота бобо бўлган икки улуғ олимда кўрдим. Улардан бири Паҳлавон Маҳмуд. Тасаввуф оламида танилган шоир, файласуф. Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон шохига ҳарбий кўмак бериб унинг марҳаматига нойил бўлди. Тила тилагингни ботир деди, шоҳ. Тилагим Ҳиндистонда қул бўлиб юрган хоразмликларни озод қилиш деди Паҳлавон Маҳмуд. Майли бир ҳўкизнинг терисига қанча қул сиғса шунчасини олиб кетавер деди шоҳ. Паҳлавон Маҳмуд пўстиндўз эди. У бир ҳўкизнинг терисидан пичоғи билан қирқиб узун бир камар ясади. Бир ҳўкиз терисидан ясалган

Ватаний вазифа ҳақида ёки бизни қутқарадиган айлана борми?

камарни катта бир майдонга айлана қилиб ёйди.

Бу айлана ичига Ҳиндистондаги минглаб хоразмлик қуллар сиғди. Паҳлавон Маҳмуд уларни озод қилди ва орқасидан эргаштириб Хоразмга олиб келди. Озод бўлиб ўз ватанига келган қуллар миннатдорлик сифатида Хива ўртасидан оқадиган катта канални қазиб беришди. Полвон ёп деб аталадиган бу канал бугун ҳам сувга тўла.

Уз ҳамюртларини зулмдан озод қилиш Паҳлавон Маҳмуд учун ватаний вазифа эди.

Озод инсонларнинг ўз юртини обод қилиб канал қазиси ҳам ватаний вазифа эди.

Утган ҳафта Туркия президенти Туркменистон турмасидан бир муаллимни қутқариб ўз учоғида иззат қилиб мамлакатига қайтарганида ҳам оддий ватаний вазифани адо этган эди. Кўп ҳолларда сўфий нақшбандийларини ўз ичига қамалган маҳдуд кишилар дейишади. Аммо бу тасниф Кубро учун эмас. Темучин Хоразмга бостириб келганида улуғ устоз

Нажмиддин Куброга истисно ўлароқ омонлик ҳадя этди. Нажмиддин Кубро босқинчининг ҳадясини олмади. Ҳазар қилди. Боз устига Кубро ўз ватани Хоразмни қўлида қилич билан ҳимоя қилди ва жанг майдонида ўлди. Уларкан икки қўли билан мўғул байроғини ёғимлаб ерга отди. Шу тариқа тасаввуф гиганти Кубро ватаний вазифани адо этди. Навоий “кўк юзига осилган қандил” деб тарифлаган Ҳаззолийдан иқтибос:

“Аниқ билдимки, сўфийлар Худой таоло йўлининг ошику солиқлари экан ва уларнинг сийратлари сийратларнинг энг яхшиси ва уларнинг йўли энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир.”

Ватанпарвар оталарим ҳақида Ҳаззолийдан ҳатлаб бир нарса дея олмайман.

Байт будур:

Эй фарзанд, амалда беамал бўлма. Сўфийлар зикридан бесамар бўлма!

Шуҳрат Бобоҷон

«Озодлик радиоси» ходими
2014 йил 20 ноябр. Прага шаҳри.

Хасталарни доридармонсиз даволашга уринган бир ҳакимни тасаввур қилинг. “Бўлиши мумкин эмас” демоқдамисиз? Ойдин Солиҳ хасталарнинг фақатгина танишул тартибини ўзгартирган ҳолда даволайдиган бир доктор эди. Охирга манзилига кузатиб қўйганимиз Ойдин Солиҳ Туркия ва дунёда 35 йиллик меҳнати натижаси бўлган бир «муқобил тиббиёт» мероси қолдирди.

(Аслида, Ойдин Солиҳ учун у тақдим этаётган тибб муқобил тибб эмас эди. У ярим ҳазил ярим чин оҳангда «муқобил тибб дегани — замонавий тиббдир, мен ташвиқ этаётган тибб эса ҳақиқий тиббдир» дерди ва 2006 йил босилган илк ва ягона китобини ҳам иддаоли бир шаклда «Ҳақиқий тиббиёт» деб атади. Редакция)

Қоражаахмад Шокир Жомеъсида душанба куни бўлиб ўтган жаноза маросимида дунёнинг тўрт бурчагидан

келган докторлар ва хасталар бирга эди. Ҳаттоки замонавий ва муқобил тиббиёт даволаш усуллари билан ўзаро фарқли йўналишларда фаолият олиб борадиган докторлар, ўз маслакдоши бўлган Ойдин Солиҳни сўнг манзилига кузатиш учун айна сафда бирлашдилар. Украиналик бўлган Ойдин Солиҳ Россияда тиббиёт соҳасида таълим олди, замонавий тиббиётнинг бир жойда қотиб қолганини англаб етганидан сўнг Ўзбекистонда биология бўйича тахсил олди, анъанавий тиббиётнинг кўзга кўринган олималаридан бири бўлганди.

Ўзбекистон муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ билан турмуш қуриб 20 йилдир Туркияда яшаган Ойдин Солиҳ якшанба куни кутилмаган бир ҳолда 71 ёшида оламдан ўтди.

Ойдин Солиҳ даволаш усуллари жой олган “Ҳақиқий тиббиёт” китобини ва унинг йўлида юриб инсонларга замонавий тиббиётга муқобил бўлган даволаш усуллари хавола қилувчи Истанбул Табиий Соғлиқ Институтини ҳамда ёш ҳакимларни қолдирди.

Шогирдлари уни замонавий дунёнинг Лукмон ҳакими сифатида эса оладилар.



У замонавий дунёнинг Лукмон ҳакими эди

Душанба куни ўлишни орзу қиларди

Ўзбекистон муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ: Ўзимнинг яримини Истанбулнинг Онадўли ёқасидаги Қоража Аҳмад қабристонига кўмиб келдим.

Севгилимни кўмиб келдим. Китобимдаги хузунли шеърларнинг қаҳромони бўлган бир аёлни Истанбул тупроқларига топширдим.

Ойдин душанба куни ўлишни орзуқиларди, чунки Пайгамбаримиз душанба куни вафот этган эканлар. Ойдиннинг орзуси деярли ушалди, уни душанба куни дафн этдик.

У гоё инсон эди. Аввал оиламизда, кейин унга ишонганлар орасида Қуръони Карим амрларини ва суннат қоидаларини ҳаёт тарзи ўлароқ тадбиқ этди ва бу мақсадига қўли ва сўзи етган жойда эришти.

Марҳаматли эди. Ўлимидан олдин ризолик истадим, «албатта, сиздан мингдан-минг розиман, жоним» деди. Мукофотимни шу заҳоти берди, нозу фироқсиз. Холбуки, қаршисида турган бир золим эди.

Сабр тимсоли эди. Йўқ сабрнинг ўзи эди. 40 йил яшадим у билан. Ҳаётимиз алғов-долғовли кечди, библи-билмай унга, болаларимга зулм қилдим, матонат билан

қаршилади. Дудокларидан бирор марта шикоят чикмади, инграмади. йиғламади. Кўз ёшларини гизлаярак, Оллоҳ ато ятган масъум чехраси билан юзланди бизга.

Ораларни тузатувчи эди. Менинг қусурларимни фарзандларимдан, фарзандларимнинг қусурини мендан гизлади, уларга мени, мени уларга мадх этди.

Ҳеч қачон ғийбат қилмади. Бировдан хафа бўлиб, бир-икки калима сўзлар-сўзламас, дарҳол тўхтаб, истиғфор келтирар, » ғийбат бўлди» дея уялар эди.

Юришида, туришида, ўтиришида, боқишида ва фикрларида бир ҳаё, бир асолат бор эди.

Мушоҳада этар экан, гўзал ташвиҳ (метафора) учун фикр моҳиятидан асло воз кечмайдиган бир жиддият ва масъулият туйғуси бор эди.

Ҳақиқий бир тавозе соҳиби эди. Унга хизмат қилиш учун юзлаб аёллар эшиги олдида навбат тутди, аммо у ҳеч кимни ўзига хизмат қилдирмади,

доим хизмат қилди. Амр бермади, доим амр кутди. Ҳукмдорларнинг хотинлари оёғига келди, аммо бундан ғурурланмади, Онадўлидан келган йўксил хотинларига қандай муносабатда бўлса, маликаларга ҳам шундай муносабатда бўлди: самимий, содда ва меҳр ила.

Ёлғонни билмас эди, вадасига вафодор, қул ҳаққини ихлол қилишдан қаттиқ кўрқарди. Пайгамбаримизнинг жуфти ҳалоли Ҳазрати Хадича онамизнинг ҳаётига эмранар эди.

Ўларкан, мардона, бир мужоҳида каби ўлди. Дудокларида сўнгги дамгача Оллоҳ ва унга ҳамд бор эди.

Раҳмон ва Роҳийм бўлган Роббим, у сенинг ризонг учун яшаган бир қулинг эди, унга мағфират айла.

Онам шаҳид бўлди

Ўзбеклар бирлиги таъсисчиси, ўғли Тимур Солиҳ: Онам ўлимга ҳамма вақт тайёр эди. Бундан икки йил олдин кафанини тайёрлаб қўйганди, ўлишини биларди. Ҳар жойдан ҳар шаклда душманлари борлигини ҳам биларди. «ИншаОллоҳ мен шаҳид бўламан», — дерди. Вафотидан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бир ҳафта олдин ҳаммадан ризолик истади. Оллоҳнинг изни билан жойи жаннатда. Мен Оллоҳнинг изни билан шаҳид бўлганига ишонаман. Оллоҳ йўлида ҳамда Оллоҳ ва даъвоси йўлида кетганига ишонаман. ИншаОллоҳ даъвоси шогирдлари билан давом этади.

Дунёда илк мартаба у тилга олди

Шогирди Хатижа Мисга: Ойдин Солиҳ асосан ҳақимлик фаолияти билан танилди. Унинг ҳақимлиги албатта тортишилмайдиган ҳақиқатдир, лекин камида ҳақимлигидек ҳикмат, илм, асолат, зарофат, тавозеъ, марҳамат, дангаллик, тўғрилиқ, табиийлик ва соғлиқ каби муҳим сифатлар соҳибаси ҳамдир.

Бутун дунёда шифо излаб унинг тавсиялари билан шифо топганлар қаршисидаги унинг тавозеъсини, ҳақиқатни қанчалик қадрлаганини, ҳақиқий мўъмина сифатларга эга эканлигини қуйидаги сўзларидан билишингиз мумкин: «Шифо Оллоҳдандир, У истади, мени васила килди».

Баъзи нарсаларни Туркияда, ҳатто дунёда у илк мартаба тилга олди. Масалан, Нисо сурасининг 119-120-оятларининг ирсиятни ўзгартиришга ишорат қилгани, титаниум диоксид, аспартам, сунъий таъмллар, лазер, баъзи товуш тўлқинлари, нанотехнология ва биотехнология махсулотларининг ирсий ўзгаришларга ва қисирликка сабаб бўлгани каби.

Илк эшитилганда жуда маргинал туюлса ҳам гапирган ҳар бир сўзининг ҳақиқат эканлигига шохид бўлдик.

Бугунги кунда оятлар

қандай тушунилади, пайғамбар суннатларига қандай амал қилинади, буюк зотларнинг сирли сўзлари маъноси нималигини унинг камтарона ҳаётида кўрасиз.

У ўз вазифасини адо этди, тавсия қилгани каби яшади, китобида ёзгани каби сўнг нафасини берди. Оллоҳ биз талабаларига унинг даъвосини биргаликда давом эттиришни насиб этсин.

Ойдин Ҳонимни танидик, ҳаётимиз ўзгарди

Истанбул Табиий Ҳаёт Институти раҳбари Фарук Гунинди: 2006 йил эди. У вақтларда ўқитувчи эдим. Бир ойлавий дўстимиз воситаси билан танишдик. Бир соғлиқ билан боғлиқ муаммо сабабли тавсия ила танишдик. Ҳаммамиз ҳар замон докторга борган инсонлармиз, бироқ ўша кунга қадар бундай докторга ҳеч қачон дуч келмагандик.

Бемор ҳақида қайғурадиган инсон эди. Ҳеч қандай рецепт бермади, ҳаёт тарзимизнинг нотўғрилиги ҳақида гапирди. Бир китоб устида ишлаётгани ҳақида билдик, ҳақиқий тиббиёт. У вақтда қораламалари бор эди. Ўқидик ва кўрдик фақат муолажадан бошқа нарса йўқ. Соғлиқ, яшаш тарзи билан боғлиқ.

Кейинчалик китоби билан боғлиқ узун бир дарс берди, саҳифаларда нимани нима учун ёзганини, мантиғини тушунтирди ва талабаларини тайёрлади. У ерга қўшилди. Шундан сўнг ўрганганларимизни бошқаларга ҳам етказдик.

Айни вақтда ўқувчилари билан бирга Оддий ҳаёт (Sade Hayat) номи билан бир жамяят фаолиятини бошладик. Ўзининг ҳам тавсия қилгани бу эди. Инсонлар тўғри

ҳаёт кечирсалар ҳасталиқ уларга яқинлашмайди. Ҳасталиқ фақат нотўғри ҳаёт тарзи туфайли пайдо бўлади ва унинг манбаи ҳам руҳий ҳамда жисмоний бўлади.

Бу фаолиятни бироз йўлга қўйганимиздан сўнг бизнинг анъанавий тиббиёт билан боғлиқ ишларимизнинг ҳам муҳим эканлигини гапирди.

Бу борада кўп конференциялар ташкил қилдик. 2011 йили эски тиббиётнинг ичидаги ҳақиқатларни ифода этувчи бир институт ташкил қилдик: Истанбул табиий Соғлиқ институти. Атрофидаги ҳар ихтисослашган гуруҳлардаги докторларни жалб қилди, унинг раҳбарлигида улар билан фаолият олиб бордик. Халқаро конференциялар ташкил қилдик. Барчамизнинг бу даражага етишишимизда унинг хизматлари буюк, минглаб инсонлар ҳаётини ўзгартирди. Биз Ойдин Ҳонимни танидик, ҳаётимиз ўзгарди.

Дорилар таъсир қилмаган оғриқларга дармон бўлди

Ўқувчиси Ҳомият Бошйигит: Ойдин Ҳоним билан 1996 йили танишган эдик. Гапирганлари тиббиёт факультетида биокимё соҳасидаги устозим профессор Умид Яйиннинг сўзларига ўхшарди: «Болалар ўзингизни захарламоқдасиз, конингиз аччиқликка тўлган».

У вақтларда 18 ёшда бўлганимиз учун унчалик тушунмагандик, бироқ 20 йилдан сўнг Ойдин Ҳонимдан эшитиб тушундим. Яшашнинг, ейиш-ичишнинг ҳақиқий лаззатини менга у кўрсатди. Устозимизни танигунга қадар бош оғриғимдан беморларга қарай олмасдим.

Дорилар таъсир қилмасди. Бу даволанишдан сўнг 1996 йилдан бери унутгандим. Ҳеч нарса бўлмагандек эди.

Ойдин Ҳоним бизга ҳамиша ҳасталиқларнинг бир имтиҳон эканлигини таъкидларди.

Доно бир дарвеш эди

Ўзбеклар бирлиги раҳбари Одам Чевик (Adem Çevik): У доно бир дарвеш эди.

Шакар касаллигим бор эди, менга очлик рўзаси тавсия қилди. Шундан бери дорилардан фойдаланмайман.

Селим Эфе Эрдем
Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди

Манба: haber.stargazete.com



Ўзбекистонда Сенат эълон қилган амнистия сиёсий маҳкумларга ҳам, ўз айбига иқро бўлмаган маҳбусларга ҳам бирор умид бермайди.

Вазиятни яқиндан кузатиб келаётган инсон ҳуқуқлари фаоллар шундай фикрда. Амнистия бериш ваколатининг президентдан Сенатга ўтиши бирор муҳим ўзгаришга етакламайди, “қора рўйхат”даги маҳбуслар тақдири барибир Оксаройга бориб тақалади, дейди улар.

Амнистияга оид бу қарор нафақат сиёсий маҳбуслар ёки уларнинг қариндошларида, балки қамокдаги сафдошларининг озодликка чиқишни кутаётган ҳуқуқ ҳимоячиларида ҳам умид учқунини уйғотмаган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов бу йилги амнистия ҳам ўтган йилгиларидан фарқ қилмаслигини, Сенат, шунчаки, қарор чиқариш билангина чекланаётганини айтади.

“Аввал президент қарори билан қабул қилинарди, яқин уч-тўрт йилдан буён Сенат қабул қиладиган бўлди. Лекин ҳеч нарса ўзгармаган... Сенат фақат қабул қилади, уларга тайёр матнни беришади, шу. Кимлар амнистияга тушади, қанчага қисқариши керак, қандай ишлар терговда тўхтатилиши лозим, буларнинг ҳаммасини бошқалар ҳал қилади”, – дейди Суръат Икромов.

Амнистия матнига кўра, ўта хавфли жиноят содир этмаган, 18 ёшгача бўлганлар, 60 ёшдан ошганлар, хусусан аёллар жазодан озод этилиши керак.

Бу қоидалар бир неча йиллардирки амнистиянинг асосий тамойилидир. Қамокдаги сиёсий маҳбуслар орасида 60 ёшдан ошганлар ҳам, ўта хавфли жиноят сирасига кирмайдиган “айблов”



Ўзбекистондаги сиёсий маҳбуслар амнистиядан умид қилмаяпти

билан жазога тортилган фаоллар ҳам кўп, аммо ҳуқуматнинг “қора рўйхат”ига киритилгани боис уларга озодликка чиқиш имкони берилмайди.

“Ҳар йили қандай бўлаётган бўлса, бу йил ҳам шундай. Амнистияга тушмайдиганлар тушмайди, булар асосан диний мотивлар билан қамалганлар. 159, 216, 244-моддалар бўйича қамалганлар. Ҳуқуматнинг қора рўйхатидагилар ҳам амнистияга тушмайди, яъни ҳуқуқ ҳимоячилари, журналистлар, тадбиркорлар...” – дейди Суръат Икромов.

Яқинда озодликдан маҳрум этилган ва “қора рўйхат”дан ўрин олгани айтиладиган фаоллардан бири муҳолифатдаги “Эрк” партияси фаоли Фахриддин Тиллаевдир.

У ўзига нисбатан қўйилган жиноятни – одам савдоси билан шуғулланганликни тан олмайди. Март ойида ўтган суд муҳолифатчини 8 йиллик

учрашдим. 97 килолик одам 50-60 килога тушиб қолган. 7 ой подвалда ётган Тоштурмада”, – дейди Фахриддин Тиллаевнинг опаси Дилором.

Дилором опанинг айтишича, Тиллаевни калтаклашган, уришган, бармоқларига игналарни тикишган.

“У ўзини ўлдиришгача борган, фарзандларим, қариндошларимни ўйлаб ўзимни сақладим, дейди. Булар нима учун десам, улар бу ишни менинг бўйнимга қўйишмоқчи бўлишди, мен қилмаган ишимни қандай қилиб бўйнимга оламан, деб айтди”, – дейди Дилором опа.

Фахриддин Тиллаевнинг саломатлиги ёмонлашгани, тиббий кўрикка, даволанишга муҳтож экани маълум.

Қўйилган айблов қандай бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистонда сиёсий маҳбусларнинг озодликка чиқиши кам учрайдиган ҳолат.

Баъзан “қора рўйхат”даги бу фаолларнинг озодликка чиқиши амнистияга эмас, балки уларнинг соғлиғи ортиқча қамок жазосини кўтара олмаслиги билан бўлиқ бўлади.

Июнь ойида ҳуқуқ ҳимоячиси Абдурасул Худойназаров оғир касалликдан вафот этди. 2006 йилда товламачилик айби билан 9,5 йилга қамалаган Худойназаров май ойида саломатлиги ўта оғирлашгани боис муддатидан аввал озодликка чиқарилган эди. Қамокда хасталикка чалинган ҳуқуқ ҳимоячиси озодликда бир ойга яқин яшади, холос.

Малик Мансур



қамок жазосига ҳукм қилди. Унинг яқинлари амнистиядан эмас, одил судловдан умид қилишмоқда, ўз айбига иқро бўлмаган Фахриддин Тиллаев ҳамон қийноққа т у т и л а ё т г а н и айтилади.

“7 ноябрь куни Қ а ш қ а д а р ё г а бориб укам билан



Ўз халқини қул қилган давлат

Ўзбекистон аҳолиси қулликнинг замонавий шаклларида жабр кўрган қисмининг улуши буйича дунёда иккинчи ўриндан жой олди. Бу Walk Free Foundation (WFF) ташкилоти томонидан тайёрланган 2014 йил учун "Қулликнинг замонавий индекси"да қайд қилинади. Қулликнинг замонавий шакллари сифатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ мажбурий фаолият назарда тутилади. Бошқа сўз билан айтганда, инсонни ўз эркинлигидан маҳрум қилган ҳолда кўрқитиш ва таҳдид қилиш йўли билан бошқа бир шахс, ташкилот ёки давлат фойдасига унинг ўз иродасига қарши равишда нимадир қилишга мажбур қилишдан иборат. Ушбу таъриф ўз ичига мажбурий меҳнат (сурункали мажбурий меҳнатдан тортиб қулликнинг ўрта асрлардаги шакллари), жинсий эксплуатация (мажбурий фоҳишалар шакллари, шахсий жинсий қуллик ва ҳоказо.), инсон аъзолари савдоси ва бошқаларни ҳам олади.

Ушбу шармандали рўйхатда Ўзбекистонни биринчи ўриндан "миллиметр"ларгина ажратиб туради, яъни иккита ўрин ўртасида атиги мингдан бир фоиз (0,027%) фарқ бор. Рўйхатда биринчи ўринни эгаллаган африка давлати Мавританияда мамлакат аҳолисининг 4% и замонавий қуллик остидадир. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 3,973% ни ташкил қилади. Агар улуш эмас, замонавий қулларнинг сони ҳисобга олинса Мавританияда уларнинг сони Ўзбекистондагидан 155 минггага кўпроқ. Ўзбекистонда эса замонавий қуллар сони 1,2 млн.дан ошади.

Агар "Қулликнинг замонавий индекси"да "Пахта кампанияси"ни (Cotton Campaign) ҳам ҳисобга оладиган бўлсак ва 2014 йилда

Ўзбекистон пахта далаларида 4 млн.дан ортиқ одам мажбурий меҳнатга жалб қилингани инobatга олинса Ўзбекистон бошқа давлатларни жуда катта ортда қолдириб биринчи ўринга чиқади. Ўз навбатида қулликнинг замонавий шаклларида жабр кўрган инсонлар сони буйича Ўзбекистон Ҳиндистон, Хитой ва Покистондан сўнг тўртинчи ўриндан жой олган. Бироқ, бу ерда Хитой ва Ҳиндистон аҳолисининг Ўзбекистон аҳолисидан ўнлаб баробар ортиқлиги инobatга олиними лозим.

Этиборли жиҳати, Ўзбекистонга бағишланган "Қулликнинг глобал индекси"да мамлакатдаги қулликнинг замонавий шакллари давлатнинг ўзи томонидан рағбатлантирилади. Бу асосан, далалардаги мажбурий меҳнат амалиёти билан боғлиқ. Одамлар ишдан ҳайдалиш, олий ўқув юрти ёки мактабдан ҳайдалиш билан таҳдид қилинган ҳолда далага ҳайдалади. Хисобот маърузасида қайд қилинишича Ўзбекистонда ўз халқини таҳқирлаш ва масхаралаш давлат амалиётининг ажралмас қисмига айланган. Ўзбекистонда азалдан болалар меҳнатидан кенг қўлланилиб келинган. Бундан ташқари, давлат ички ва ташқи даражадаги одам савдоси билан ҳам самарасиз курашиб келади. Мажбурий меҳнатнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши инobatга олинса фуқароларнинг қуллик гирдобидан қутилиши қийиндир. Ҳаттоки бу ишда давлатнинг қўли борлигини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам Ўзбекистонда гуллаб яшнаётган коррупция, сиёсий қатағонлар ва фуқаролик жамиятининг қаттиққўллик билан чекланиши фуқароларнинг қулликка тушиб қолиш хавфини оширади.

ЎХХ ахборот бўлими

Тошкентдаги «модель агентлиги» 13 ёшли қизларни фоҳишага айлантирди

Тошкентда Kolleman Models модель агентлиги бир неча йил давомида фоҳишалар хизматини тақдим этиб келгани фош этилди. Бу ҳақда, маҳаллий нашрлар хабар тарқатди.

Хабарга кўра, Фаррух Гофуров раҳбарлигидаги агентликнинг фоҳишалари фақат нуфузли мижозларга хизмат кўрсатган.

Маълум бўлишича, агентликни фош қилиш учун шаҳар ИИББ ходими ўзини «мижоз» сифатида таништирган, Гофуров эса тўрт нафар «қиз» учун 1,6 минг доллар сўраган.

Гофуров кўлга олинганидан сўнг унинг сумкасидан енгилтабиат қизларнинг 500дан ортиқ суратлари, шунингдек, буюртмачиларнинг рўйхати ҳам топилган.

Таъкидлашларича, фоҳиша қизлар орасида 13-14 ёшли коллеж ўқувчилари ҳам бўлган. Бундан ташқари, агентлик модель никоби остида қизларни Жанубий Кореяга фоҳишалар учун ҳам жўнатган.

ЎХХ ахборот бўлими

Аввал ичимни иситти, сўнгра кўнглимни силади

Ўтган йил ноябр ойлари эди. Ойдин Солиҳнинг қабулига илк даъфа кирганимда, унинг ёнидаги ёрдамчиси хоним «аввал келганмидингиз?» деб сўради.

Ойдин Хоним эса ўзидан амин бир шаклда «Йўқ, у келгани йўқ, келса эди бу ой юзни мутлақо хотирлардим», — деди.

Яъни, аввал ичимни иситти, сўнгра кўнглимни силади.

Чунки мен ҳам Ойдин Хонимнинг ой юзини кўрган заҳотим бир ҳузур туйдим.

Муаёна(даволаш) асносида у менга ширин-ширин танбех берди.

Вафотини эшитиб ичим ёнди. Бир даво ярим йўлда қолгандай бўлди худди.

Гуё бутун англаганлари ва китоблари ўқисиз қолгадай эди.

Оллоҳ замонни, вақтни тақдир этган ягона борлиқдир!

Pinar Pino

www.facebook.com

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Ваҳийнинг келиши

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом қирк ёшига тўлганда Оллоҳу Таолонинг амри ила содик рўёлар (тушлар) кўра бошлади. Унинг кўрган бутун тушлари ҳаётда айнан юз берарди. Пайғамбаримиз бу ҳол ичида олти ой яшадилар.

Оллоҳу Таоло унга бу ҳол ичида ёлғизликни севдирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уйлардан узоклашиб, тоғ ораллигидаги кимсасиз гўшаларга кетар, хаёлларга толарди. Буни кўрган Қуръайшликлар «Муҳаммад ўз Роббига ошиқ бўлибди», дейишарди.

Пайғамбаримиз ҳар Рамазон ойида Ҳиро (Нур) тоғида этикофга кирар ва ёнига келган йўқсилларга емак едирар эди. Итикофдан чиққанидан сўнг, уйига келишдан олдин, Каъбани етти марта тавоф қиларди.

У Ҳазрати Ҳадичанинг ҳам Ҳиро тоғига олиб боргани ривоят қилинади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом, қавми бутларга топинар экан, хилват ва узлатни соғинар эди.

«Саҳихий Бухорий»нинг шарҳловчиси Бадриддин Айний «Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг таҳаннуси, тааббуди қандай шаклда эди», деган саволга «бу ўйлаш ва ибрат олмоқдан иборат эди. Катта бобоси Иброҳим алайҳиссаломнинг ибрат олиши каби», деганди.

Пайғамбаримизнинг тааббуди унинг пайғамбар бўлиш орзусидан пайдо бўлмаганди. Зотан, пайғамбарлик истаган ва ёки меҳнат билан эришиладиган бир мақом эмас. Оллоҳу таоло бу юксак

мақомни ўзи танлаган қулларига берди. Пайғамбаримиз Ҳиро тоғига кетар экан, ёнида сут, эт, зайтун ёғи, нон оларди. Ва Ҳиро тоғидаги моғорада етти кеча, баъзан бир ой қоларди.

У хилватда қолганида ғалати нурлар кўрар, саслар эшитар ва бундан хавотирланиб: «Эй Ҳадича, мен бир нур кўраяпман, бир сас эшитаяпман. Мен бир коҳин бўлиб қолишдан кўрқаяпман. Валлоҳи, мен шу бутлардан, коҳинлардан нафрат этганим қадар ҳеч нарсадан нафрат этмайман», дерди.

- Эй амакимнинг ўғли! Ундай дема! Аллоҳ сени асло ундай қилмас! — дея тасалли берарди.

Ибн Исҳоқнинг Абу Майсара

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

Амр бин Шуроҳбилдан ривоят қилишига кўра, Расулulloҳ алайҳиссалом завжаси Ҳазрати Ҳадичага «мен хилватда ёлғиз экан, бир сас эшитдим, бунинг мен учун тахликали эканидан кўрқаяпман», деганида Ҳазрати Ҳадича унга «Оллоҳ сақласин! Оллоҳу Таолонинг сенга ёмонлик қилиш эҳтимоли йўқ. Валлоҳи, сен омонатни адо этиб, қариндошга яхшилик қилган, сўзингни тўғри сўйлаган инсонсан», деган.

Ҳазрати Абу Бакр ёшлигида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг дўсти эди.

Унга Ҳазрати Ҳадича Пайғамбаримизнинг ҳоллари ҳақида айтиб «сен Муҳаммадни (алайҳиссалом) амаким Варақага олиб бор», деди. Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбаримизни Варақа бин Навфалникига олиб борди. Пайғамбаримиз унга «хилватда экан, бировнинг «Эй Муҳаммад, эй Муҳаммад» деб чақирганини эшитаман» — деди.

- Сенга бунинг зарари йўқ — деди Варақа.

- Мен сасни эшитиб кўрқаман ва у ердан узоклашаман, — деди Пайғамбаримиз.

- Сен ундай қилма. Овоз соҳибининг гапини охиригача тингла, кейин менга хабар бер — деб маслаҳат берди Варақа.

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарликнинг берилиши

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Рамазон ойининг ўн олтинчисида, бозор кечасида Ҳиро тоғидаги моғорада ухлаётганида, тушида ваҳий малаги Жаброил

алайҳиссалом атласдан бир қолипга солинган бир китобни пайғамбаримизга бериб:

- Ўқи! — деди.

- Ўқий олмайман, — деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизни кучоклаб қаттиқ қисди.

Пайғамбаримизнинг нафаси кесилди, ўзини ўлаётгандай хис қилди.

Шунда Жаброил алайҳиссалом уни қўйиб юборди ва такрор:

- Ўқи!- деди.

- Мен ўқий олмайман! — деди Пайғамбаримиз.

Жаброил алайҳиссалом уни такрор кучоклаб, қаттиқ сикти.

Кейин қўйиб юборди ва яна:

- Ўқи! — деди.

- Нимани ўқийин? — деб сўради Жаброилнинг исканжа каби кучоғидан қутилиш учун Пайғамбаримиз.

Шунда Жаброил алайҳиссалом «Алак» суръасининг бошидаги бешта оятни ўқиди. Жаброил алайҳиссалом кетганида Пайғамбаримиз уйқудан уйғонди ва у бешта оят унинг қалбига бир китоб каби ёзилганини англади.

Пайғамбаримиз моғорадан чиқиб, Ҳиро тоғидан инар экан, кўкдан бир сас келди.

«Ё Муҳаммад, сен Аллоҳнинг Расулисан, мен Жаброилман», деди бу сас.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошини кўтариб қаради ва Жаброил алайҳиссаломни оёқларини уфққа тираб турган бир инсон киёфасида кўрди.

Пайғамбаримиз унга қараб бир зум қотиб қолди.

У Жаброил алайҳиссаломни кўрмаслик учун юзини қайси тарафга бурса, ўша ерда уни кўраверарди. Жаброил алайҳиссаломнинг саси гоҳ кўкдан, гоҳ дарахтдан, гоҳ тоғдан келарди. (Ёқубий, 2/22).

Ҳазрати Ҳадичанинг тасаллиси

Жаброил алайҳиссалом кетганидан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам уйига қайтди.

Ҳазрати Ҳадича унинг к а й т а в е р м а г а н и д а н хавотирланиб, уни излашга одамларни юборганди, аммо

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

улар Пайғамбаримизни топа олмай қайтиб келишганди. Пайғамбаримиз уйига қайтганида «Абулқосим, қаерда эдинг? Валлоҳи, сени ахтаргани одамларни жўнатдим, улар тополмай қайтиб келдилар!» деди Ҳадича Ҳазратлари.

Пайғамбаримиз бутун кўрганларини унга бир-бир айтиб берди.

- Сенга муждалар бўлсин! Оллоҳу Таоло сенга хайрдан бошқа нарса раво кўрмайди. Эй, амакимнинг ўғли, сабот эт. Ҳадичанинг борлигини кудрат қўлида тутган Оллоҳга ямин этаманки, мен сенинг бу умматнинг пайғамбари бўлишингга умид қилаяпман!, — деди Ҳазрат Ҳадича.

Кейин у либосларини кийиб, Варақа бин Навфални кетди.

Варақа бин Навфал Ҳазрати Ҳадичанинг амаки ўғли эди.

Жоҳилия даврида христианликка кириб, «Инжил»дан баъзи нарсаларни ёзиб олиб юрарди. Жуда кекса ва кўзлари хиралашган эди.

У Ҳазрати Ҳадичадан Пайғамбаримиз алайҳиссаломга кўринган воқеаларни эшитиб:

- Қуддус (пок ва кусурсиз),

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

Қуддус! Варақанинг борлигини Кудрат қўлида тутганга ямин этаманки, эй Ҳадича, менга сўзлаганларинг тўғри эса, унга келган Номуси Акбардир, у Мусога ҳам келганди! У (Муҳаммад алайҳиссалом) муҳаққак бу умматнинг пайғамбаридир! Унга сўйла, сабот этсин!, — деди.

Варақа бир Навфалнинг пайғамбаримиз алайҳиссалом бошига нималар келишидан хабар бериши

Варақа бин Навфал Каъбани тавоф этар экан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга дуч келиб, «Эй биродаримнинг ўғли, кўриб, эшитганларинг ҳақида менга ҳам айтиб бер» — деди.

Пайғамбаримиз айтиб берди.

Шунда Варақа «борлигимни Кудрат қўлида тутиб турганга ямин этаманки, сен бу умматнинг пайғамбарисан. Сенга келган Номуси Акбар аввал Мусога ҳам келган эди.

Сен муҳаққак қавминг тарафидан ёлғончига чиқарилажаксан. Сени

қийноққа солажаклар. Юртингдан чиқарилажаксан. Сен билан урушга киражаклар. Онт бўлсинки, мен у кунларга етишсам, Оллоҳнинг динига ёрдам этаман», деди ва Пайғамбаримизга яқинлашиб, унинг бошидан ўпди.

Ислолда илк таҳорат ва илк намоз

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ваҳий келган куни Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссаломга таҳорат олишни ва намоз қилишни ўргатди.

У Макканинг юқори тарафида, водийда ўқчасини ерга урди ва у ердан сув пишиқириб чиқди, бу сув билан таҳорат қилди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломнинг таҳорат олишини диққат билан кузатди: Жаброил алайҳиссалом аввал қўлини тирсақларигача ювди, кейин оғзини чайди, бурнига сув тортди, сўнгра юзини ювди. Кейин бошини ва қулоқларининг орқасини қўли билан масҳ этди. Сўнгра оёқларини тўпиғига қадар ювди. Таҳоратнинг сўнгида адаб ерига сув сепди. (Ибн Исҳқ «Китобул Мубтадо», 3/117).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам Жаброил алайҳиссалом каби таҳорат олди. (Тобарий, «Тарих»,

2/210).

Сўнгра Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссаломга намозни кўрсатди ва у билан бирга икки ракат намоз қилди. Ва бу намозда тўрт кез сажда қилди. Пайғамбаримиз теран бир севинч ила уйига қайтди.

Оллоҳу Таолонинг унга қилган олий икромии ҳақида Ҳазрати Ҳадичага хабар берди. Кейин уни қўлидан тутиб сувнинг ёнига олиб борди. Ва айнан Жаброил алайҳиссалом кўрсатган шаклда таҳорат олиб, Ҳазрати Ҳадичага кўрсатди. Ҳазрати Ҳадича таҳорат олди, Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга Жаброил алайҳиссалом кўрсатгани каби намоз қилдирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом илк намозини Пайғамбарлик келган куни, душанба куни қилди. Ҳазрати Ҳадича ҳам ўша куни, окшомга яқин илк намозини адо этди. (Ибн Абдулбарр, 4/1820).

Ваҳий ва ваҳий тарзлари

Луғатда «суръатли ишорат», «китобат», «рисолат», «илҳом» ва

«гизли калом» каби маъноларни англатган ваҳий Оллоҳу Таолонинг ўз пайғамбарларига юборган буйруқларидир.

Оллоҳу Таоло аввалги пайғамбарларга ваҳий этгани каби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам ваҳий этди.

Қуръони Каримда бу ҳақиқат шундай ифодаланади: «Биз Нухга, ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий этганимиз каби, Иброҳимга, Исмоилга, Исҳоққа, Ёқуб ва унинг набираларига, Исога, Айюбга, Юнус, Хорун ва Сулаймонга ваҳий этганимиз каби, шубҳасиз, сенга ҳам ваҳий этдик. Довудга Забурни ато этдик. Шундай пайғамбарлар юбордик-ки, уларнинг қиссаларини сенга билдирдик. Яна шундай пайғамбарлар юбордик-ки уларнинг қиссаларини сенга билдирмадик. Оллоҳ Мусога ҳам хитоб билан гапирди». («Нисо», 163-164).

Ваҳий тарзларидан биттаси уйкуда кўрилгани ва ҳаётда айнан содир бўлганидир. П а й ғ а м б а р и м и з н и н г пайғамбарлиги бу тарз билан бошланди.

Пайғамбаримиз «Эй Ойша, менинг кўзим ухлайди, аммо қалбим ухламас», деган эди. Ваҳийнинг иккинчи тарзи ваҳий этилажак хабарнинг малак (фаришта) томонидан, кўринмасдан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом қалбига етказилишидир.

Пайғамбаримиз «шубҳасиз, Рухул Қуддус (Жаброил а.с) қалбимга шуни илҳом этдики, ҳеч бир нафс ажали етмагунча, ризқини тугутмагунча ўлмайди. Шундай экан, Оллоҳдан кўринг, уни гўзал ва машру йўллардан ахтаринг! Ҳалол бўлганини олинг, ҳаромдан қочинг. Ризқ кечикса, уни Оллоҳга зид шаклда топишга ҳаракат қилманг. Чунки Оллоҳ катида бўлган нарсага Оллоҳга итоатли бошқа нарса воситасида ноил бўлиш мумкин эмас», деди.

Ваҳийнинг учинчи тарзи, ваҳий малагининг инсон суратида кириб, ваҳийни пайғамбарларга етказишидир.

Пайғамбаримиз «баъзан малак инсон суратига кириб мен билан гаплашади, мен эса унинг сўзларини ёд оламан. Бу мен учун ваҳийнинг энг қулай келганидир», деди.

Ваҳийни бу тарзда келтирган малакни баъзи саҳобалар ҳам кўрарди.

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбекистон Олий суди судьялари учун, Ўзбекистон фуқаролари – оддий халқ ХЕЧ КИМ ЭМАСМИ???, гарчанд, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, барча фуқаролар, уларнинг мансаби, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи-назар, Қонун олдида тенглиги ҚАТЪИЙ белгилаб қўйилган!!!...

Холис кузатувчилар нигоҳида хақиқат ошкор



хайъати томонидан, Олий суд раиси ўринбосари томонидан иккинчи маротоба киритилган протест асосида, вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжонга оид назорат тартибида ОЧИҚ суд мажлиси бошланди.

Суд мажлиси бошида, химоя томонидан Бахром Абдурахимов, судга такроран илтимоснома билан мурожаат этиб, очиқ суд мажлисида қатнашиш истагини билдириш аётган

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИ СУДЯЛАРИ УЧУН ОДДИЙ ХАЛҚ ХЕЧ КИМ ЭМАСМИ?

этилишини истамаган Ўзбекистон Олий суди, 13ноябр 2014 йил соат 10-00га, -“вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжонга оид жиноят иши” юзасидан назорат тартибида тайинланган суд мажлисини, аввалига 15-00га кечиктириб, сўнгра ҳеч бир қонуний асос қўрсатмаган ҳолда ёпиқ суд ўтказилишини эълон қилди.

Холбуки, Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонунида, -«ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ёпиқ кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши» -назарда тутилган. Ушбу қонун асосида, қонуний вакил Бахром Абдурахимов ва адолат ишловчи холис кузатувчилар, Олий суддан судни ёпиқ ўтказишлик учун қонуний асос талаб этганликлари сабабли, суд ҳеч бир асос ва сабаб қўрсата олмаган ҳолда, суд муҳокамасини 14 ноябр соат 11-00га қолдирди.

Иш бўйича қонуний вакил-химоячи бўлиб қатнашиб келаётган Бахром Абдурахимов, 2014йилнинг 14ноябркунисоат9-00даОлийсудга, -“назорат тартибида кўриладиган Абдурахимов Бахриддинжонга оид ишни”, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонуни асосида очиқ тартибда кўришни ва суд муҳокамасига, унинг қариндошлари ва хақиқат ишловчи холис кузатувчиларни иштирок этишлигига рухсат этилишини сўраб илтимоснома такдим этди.

Бахром Абдурахимов томонидан такдим этилган илтимосномага рад жавобини беришга қонуний асос топа олмаган Олий суд, суд

мажлисини очиқ усулда ўтказишга мажбур бўлди, бироқ яна ҳам холис кузатувчилар нигоҳида ошқоралик ва хақиқат қарор топишидан чўчиган Олий суд, яна ҳам қонун нормаларига зид равишда, суд мажлисига қариндошлардан Рустам Абдурахимов, Тимур Абдурахимов, Насиба Абдурахимова, Дилором Абдурахимова, Абдумажид Абдуллаев, Икром Абдурахимов, Нарзия Ужароваларни, ҳамда холис кузатувчилар АЛЪЯНС ҳуқуқ химоячилари Аделаида Ким, Саёра Хакимова, Аликул Саримсоқов, Абдураззоқ Содиков, Елена Урлаева ва Шухрат Рустамовларни холис кузатувчи сифатида суд мажлисида қатнашишларига рухсат этмади, асоссиз чеклов туфайли судланувчининг онаси Мохира Пулатова ва бобоси ролида Жохонгир Шосалимовлар бир илож қилиб судда иштирок этдилар ва бир неча юз кишига мўлжалланган суд мажлислар залида ягона холис кузатувчи Жохонгир Шосалимов ўтирар эди.

2014 йилнинг 14 ноябр куни соат 11да, Олий суд судьяси Комилов раислигида, хайъат судьялари Атабаев ва Мелибоевлар таркибида, Б.Султонов котиблигида ва тарафлардан давлат айблови Бош прокурор катта ёрдамчиси Кимсанов ҳамда қонуний вакил-химоячи Б.Абдурахимовлар иштирокида, Олий суднинг бир неча юз кишига мўлжалланган катта суд мажлислар залида ягона холис кузатувчи Жохонгир Шосалимов кузатувида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари судлов

қариндошлар ва холис кузатувчиларга рухсат этилишини, сабабики бутун дунё суд амалиётида ҳам, ҳар қандай очиқ судда холис иштирокчилар, лозим бўлса бир неча юзлаб — минглаб иштирок этишларини, бугунги суд мажлислар залига ҳам бир неча юзлаб холис кузатувчилар учун ўриндиклар бежизга қўйилмаганлигини, агар-ки суднинг асосий мақсади хақиқатни аниқлаш орқали Одил судловни таъминлаш бўладиган бўлса, у ҳолда холис иштирокчиларга монелик қилиш сабабини қўрмаётганлигини, қолаверса Ўзбекистон қонунлари ҳамда Халқаро нормалар ҳам судда холис кузатувчилар иштирокини тақиқламаслигини баён этди.

Қонуний вакилнинг қонуний илтимосномасига, раислик этувчи Олий суд судьяси Комилов, Конституция ва қонун нормаларига, ахлоқ нормаларига ҳаттоки оддий инсоний муомала маданиятига тўғри келмайдиган: -«Улар ким, улар ҳеч ким эмас, хоҳласак нафақат уларсиз, ҳаттоки сизнинг иштирокингизсиз ҳам ўтказиб юборишимиз мумкин эди» -дея фуқароларга нисбатан ҳурматсизлик ва назар писанд этмаслик муносабатини билдирди.

Холбуки судлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида: -«Судьялар, ишларни кўриш чоғида, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шартлиги» -белгилаб қўйилган!

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бунинг билан, Олий суд судьялари қонундан ҳам устунроқ эканликлари, нимани хоҳласа шуни қила олишликлари мумкин эканлигини, оддий халқ улар учун ХЕЧ КИМ ЭМАСлигини яна бир бора тасдиқлади!

Шунингдек, давлат айбловини қувватлаётган прокурор, ажабтовур, «қузатувчилар яқин қариндошлари эканлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этсин» -деган бёмани таклиф билан судга мурожаат этди.

Холбуки, очик кўриладиган суд мажлисига, қариндошлиklarини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида киритилиши, Ўзбекистон қонунларида ҳам ва Халқаро нормаларда ҳам назарда тутилмаган, ҳамда, бир хўжаликда яшамайдиган қариндошларга уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат, ҳеч бир орган томонидан, хаттоки Ўзбекистонда ҳам берилмайди.

Прокурор, ўзининг ушбу бёмани таклифи билан, Ўзбекистон прокурорлари қанчалар қонунларни мукамал билишлиklarини яна бир бора намоён этиб берди.

Гарчанд қонуний вакил қонун нормалари асосида тўлиқ ва инкор этиб бўлмайдиган даражада асослангирилган илтимоснома киритган бўлсада, аммо суд хайъати ҳеч бир қонуний асос кўрсата олмаган ҳолда, илтимосномани рад этиб, суд мажлисини ярим очик-ярим ёпиқ ҳолатда бошлашга ажрим берди.

Тағин, Ўзбекистонда, судларни либераллаштириш ҳамда ошқоралик ва очиклигини таъминлаш борасида кенг қамровли ислохатлар олиб борилаётган бир вақтда...

Судда, қонуний вакил Баҳром Абдурахимов, мазкур қотиллик жиноятида вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжоннинг мутлақо дахлдорлиги йўқ эканлигини, аксинча у тухмат ва жаҳолат оқибатида, асосиз-адолатсиз ва ноқонуний ҳукм жабрдийдаси бўлиб қолганлигини, иш ҳужжатлари ва мавжуд ёзма далил ва исботлар билан Қонун нормалари асосида ҳеч ким инкор эта олмайдиган даражада исботлаб берди ва суриштирув-тергов жараёнида, — «унга нисбатан ғайриинсоний қийноқлар содир этилганлигини, Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунини



ҳамда Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро Пактлар ва Конвенцияларда кафолатланган вояга етмаганнинг химоя ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари қасддан бузилганлигини, аммо бунга судлар етарлича процессуал муносабат билдиришмаганликларини» -изохлаб берди ва Олий суд судлов хайъатидан, мазкур ҳолатларга етарлича процессуал муносабат билдиришларини сўради..

Қонуний вакил ўз музокарасини; «Шуни баралла айтаманки, суднинг бугунги қарори: -Ўзбекистонда ҳақиқатда Одил судлов борми, Мавжуд қонунлар ҳамма учун бир хилда мажбурийми, қонун нормаларидан ҳар қандай чекиниш, у ким томонидан ва қандай сабаб ва мақсадга кўра содир этилишидан қатъий назар, қонун олдида жавобгарликка сабаб бўладими, Ўзбекистонда ҳақиқатдан ҳам қонун устиворлиги таъминланганми? -деган саволларга аниқ ва узил-кесил жавоб бериши шарт!!!!.. Акс ҳолда, мазкур иш юзасидан адолат ўрнатилмас экан, Ўзбекистон Республикасининг янги таркиб Олий суди ҳам Одил судловни таъминламас экан, Ўзбекистон халқининг ишончини оқлай олмас эканлар, ушбу саволлар билан, Конституциявий ҳуқуқларимиздан фойдаланган ҳолда, БМТнинг ИХХҚ Қумитасига, Қийноқларга қарши кураш Қумитасига, Халқаро Амнистия Қумитасига ва интернет тармоқлари орқали бутун дунё жамоатчилигига мурожаат этишга мажбур бўламиз ва бундан асло қайтмаймиз!!!

Умид қиламанки, Ўзбекистон Республикасининг янги таркиб Олий суди, жамиятда қонун устиворлиги таъминланишини ва адолат ўрнатилиб -Одил судлов таъмин этилишини руёбга чиқарадилар» -деган фикрлар билан якунлади !!!

Судлов хайъати гуёки адолат қилгандек кўрсатиб, қотилликнинг ўта шавқатсизлик турини айбловдан олиб ташлади ва муддатни 4 йилга қисқартирди, ҳамда ноқонуний ҳукм чиқарган судья Сатторовга нисбатан хусусий ажрим чиқарди.

Аммо, Олий суд судлов хайъати ҳам, суриштирув-тергов томонидан, — «вояга етмаган Абдурахимовга нисбатан ғайриинсоний қийноқлар содир этилганлигини, Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунини ҳамда Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро Пактлар ва Конвенцияларда кафолатланган вояга етмаганнинг химоя ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари қасддан бузилганлиги» -ҳолатларига процессуал муносабат билдиришга қатъиятсизлик кўрсатди.

Олий суд ушбу қарори билан, Ўзбекистонда, «суд-ҳуқуқ тизими» -деб номланувчи ҳуқуқни поймол этувчиларнинг бирдамлиги, барча нарасадан, хаттоки қонундан ҳам юқорироқ ва муҳимроқ эканлигини яна бир бора тасдиқлаб берди.

Альянс ҳуқуқ химоячилари, бутун Ўзбекистон халқини: «-Конституцияда кафолатланган қонуний ҳақ-ҳуқуқларини, айнан прокурорлар, судлар ва ҳокимиятлардан химоя қилиш учун бирлашишга ва бирдамликда курашишга чорлайди, акс ҳолда сизнинг қонунларда ёзиб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларингиз ҳам ва ўзларингиз ҳам, ушбу мансабдорлар ва корчалонлар олдида «-ХЕЧ КИМ ЭМАС» -бўлиб қолаверади!

Альянс ҳуқуқ химоячилари халқаро ташкилотлар ва бутун дунё ҳамжамиятидан: «Қийноқлар жабрдийдаси бўлган вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжоннинг тақдирига бефарқ бўлмасликни, унинг инсоний ҳақ*ҳуқуқлари тикланишида ва тўлиқ реабилитация этилишига ҳамкорлик кўрсатишларингизни» -сўрайди. Сабабаки, Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими ўз бирдамликлари учун, ҳамда оддий фуқаролар уларнинг наздида, «-ХЕЧ КИМ ЭМАС» -эканликлари учун ҳам тиш-тирноқлари билан қарши турмоқдалар!

Телефонлари:
Баҳром Абдурахимов +99890 721 97 25;

Альянс ҳуқуқ химоячиси **Елена Урлаева** +99893 392 17 84
Альянс матбуот маркази.
19 ноябр. 2014йил. Тошкент.
Ўзбекистон.

Қабулхона атрофи милиция ходимлари билан ўраб олинган, ҳар тамондан бир-нечта видеокамералар қўйилган. Кираверишда эса иккита ёки учта милиционер қўлингизда сумкангиз бўлса унинг ичидаги ҳамма нарсаларингизни стол устига тўктириб, бирма-бир текшириб, кейин қайта жойлаб қўйишга рухсат беради, жумладан чўнтақларингизни ҳам бўшатишингиз керак бўлади.

Паспортигизни олиб ундаги ҳамма маълумотларни дафтарига ёзиб ва сизга қўл қўйдириб, паспортингизни ҳам олиб қолади. Диктафон, қўл телефонингизни ҳам қолдириб ўтишингиз керак бўлади.

Президент Девонининг қабулхонасидаги хангомалардан

Қисқаси ичкарида нима бўлса ҳам, қандай ноҳақликлар ёки зўравонликлар кўрманг бирортасини исботловчи далил билан чиқмаслигингиз учун барча ана шундай бир неча чораларни кўриб қўйишади. Энди эсон-омон Девон қабулхонасига кирсангиз у ерда сизни махсус хизмат ходимлари кутиб олишади. Бу ерга келаётган одамлар бу ерга етгунча бўлган ҳамма поғаналарни босиб ўтган бўлишади.

Мен қабулхонага Президентнинг давлат маслаҳатчиси бўлган Тоҳиржон Иминов дўсти Атҳам Фаттахов таъсис қилган "Акбар-Азизий" ва "Тошкент-12" сохта хусусий корхоналарнинг жиноий иш фаолиятига аяхонлик қилганлиги ва Узпахтасаноатнинг ҳаддан ташқари кўп миқдордаги пул маблағини воситачилик ниқоби остида ўзлаштирганлиги тўғрисида ёзилган шикоятим билан Президент маслаҳатчиси Қўқонбаев қабули кунни борганман.

Қабул давомида Девон қабулхонасининг раҳбари Маҳкамбой Эргашов (унинг исми-шарифини кейин билдим) келганлардан ким қанақа масала билан келганини сўраб одамларни кераклижойларга йўналтирибтурди. Навбат менга етганида шикоятим моҳиятини сўраб сизнинг ишингиз прокуратура йўналиши бўйича экан сиз прокурор қабулига кирасиз деди, йўқ мен давлат маслаҳатчиси Қўқонбаев қабулига келганман, прокурор қабулига кирмайман, десам у киши Қўқонбаевнинг қабул кунни дейилгани билан ўзи анча йиллардан бери фуқораларни қабул қилишга тушмайди, шундай экан йўқ одамни сизга қаердан топиб берай, деб катта –катта кўзларини ола-кула қилиб жахли чиққанидан мўйлови учиб, бир лаҳза менга

тикилиб туриб, бу ёққа юринг деб узун қоридор томонга бошлади.

Аввалига тушунмасдан кўрсатилган томонга бир-икки қадам ташладим, лекин кўнглим М.Эргашовнинг важоҳатидан қандайдир дил хиралик бўлишини сезиб орқамга қайтиб кутиш залига одамлар олдига чиқдим. Яхши ҳам М.Эргашовнинг ортидан бормаганим, чунки қайтиб келгач одамлардан у киши кимлигини зўрға билиб олдим, негаки Девонда хизмат қилувчилар ҳам, қабул қилувчилар ҳам ўзларини сизга таништиришмайди. Шу ерда ўтирганларга бўлган воқеани айтиб берсам, улар "хурсанд бўлинг, у одамдан осон қутилибсиз" дейишди.

Девонхона бошлиғининг шундай йўл билан қабулга келган аёлларга тегажоглик қилишдай ва келганларнинг орасида гапни ўринлатиб гапирадиган, ҳақиқатгүйлари бўлса улар аёл ёки эркак бўлишдан қатъий назар уларни тарвуздай келадиган қорни билан туртиб чиқаришдай ҳурмача қилиқлари борлигини ҳам пичирлаб айтишди. Яна битта аёл бир йил аввал дугонасининг ёлғиз ўғли тўхмат билан ноҳақ қамалганини ва ҳеч қаерда ҳақиқат қарор топмаётганлиги учун Президент Девонига келиб арз қилганини бу ерда ҳам бепарқликни, ноҳақликларни кўриб иложсиз қолгач аёлнинг дугонаси ўзига ўт қўймоқчи бўлганида шу Маҳкамбой ака ёрдам қўлини чўзиш ўрнига аёлни махсус хизмат ходимлари ёрдамида ИИБ подвалига ташлаттирган экан. Аёл бир ойлاردан кейин уйига озиб-тўзган, абгор бир ҳолатда қайтиб келиб узоқ яшамабди. Шундай экан юқорида айтилаётган эҳтиёт чораларини аслида кимлар учун қўллаш керак? Нима учун Президент девонидагилар халқдан бунча кўрқишади?

Одамлар бу даргоҳга сўнги нажот излаб келишади, бу ердагилар шу нажотни ҳам пучга чиқаришади. Шундай экан биз энди дардимизни қаерга бориб, кимга айтайлик? Президент номи билан қабул қилинадиган бу улғу даргоҳда ёлғон ҳуқумронлик қилади. Совет давридаги барча иллатлар шу ерда ҳали-ҳанузгача сақланиб қолган. Шундай олий даргоҳдаги ғирт ёлғонлардан иборат, зўравонликларга тўла бўлган бошқарув услуби халқ учун қанчалар қимматга тушаётганини шу битта аёл тимсолида тасаввур қилинг, лекин бундай воқеалар

биттагина эмас, ачинарлиси улар жуда кўп экан. Шунга ўхшаган воқеаларни бу ерда жуда кўпини эшитдим. Яна ўзим тимсоланда ёзаётган воқеалар ҳам бунинг яққол исботидир. Менинг олти йилдан бери И.А.Каримов номига ёзаётган мурожаатларимни девондагилар Бош прокуратурага улар шаҳар, туман прокуратураларига, туман деартаментларига, ДСҚга ҳатто туман участка нозирларига ҳам йўллашди. Мана шу бир-бири билан чирмашиб кетган халқани яъни коррупция халқасини узишга ҳаракат қилсангиз, улар бор кучларини сафарбар этиб, барча хийла-найранглари, сохта айибловлари, кўрқитиш ва таъқиблари, бисотидаги ҳамма усулларини ишга солиб жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатишади. Шулар туфайли шикоятларим еттита ташкилотнинг ўртасида айланиб юриб, бири-иккинчисига, иккинчиси эса навбатдагисига улоқтириб, бу ўйин олти йилдан бери давом этиб келаяпти. Бу халқ мамлакат иқтисодиётига ва ривожланишига тақилган пўлат кишандир.

Мамлакат мустақиллигидан кейин воситачилик ниқоби остида жиноий фаолият билан йиллар давомида қалбаки тадбиркорлик билан шуғилланиб келадиган қалбаки тадбиркорларнинг тасарруфидаги қалбаки корхоналарнинг барчаси ҳам аяхонлар қаноти остидалиги бугунги кунда кўпчилик учун сир эмас. Аслида ҳам шикоятларни ваколатсиз ташкилотларга жўнатиб мамлакатда коррупциянинг ва аяхонликнинг илдиз отиб гуллаб яшнашига М. Эргашев ва қабулда ўтирган прокурорлар айнан айибдордирлар.

Қонунчиликда аяхонлик тўғрисидаги энг керакли моддани қачон қабул қилишларини сўраб ёзган мурожаатларимни ҳам ваколатсиз ўзидан паст даражада турувчи органларга жўнатиб ўтирган Олий Мажлис Сенати Раиси ҳам бундай ҳаракатлари билан аяхонликни қўллаб-қувватлаб турибди, акс ҳолатда адолат қарор топган бўлар эди.

Сўзим сўггида яна бир марта Т.Иминовнинг А.Фаттахов таъсис қилган сохта корхоналарига қилган жиноий аяхонлигига қачон қонуний чоралар қўллашмоқчи эканларини сўраб тугатаман.

Негманова Чамангул

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик